

**ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, [http://www, andijan.uz](http://www.andijan.uz), e-mail: umumiy (a) andijan.uz

01.12.2016 № 440-й

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
2016 йил 12 октябрдаги
СҚ-110-III-сон қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги СҚ-110-III-сон қароридан белгиланган вазифаларнинг вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўлланиш тартиби ҳақида”ги СҚ-110-III-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қарорининг қўлланиш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш бўйича вилоят ҳудудий комиссияси 2-иловага, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда Қарорни қўлланиш тартиби-таомилининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳудудий комиссияси (А.Эгамбердиев)га:

– жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш ва уларни ишга жойлаштириш;

– ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш;

– вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш вазифалари топширилсин.

5. Ишчи гуруҳ (А.Абдуллаев)га:

– жиноий жазони ижро этиш муассасалари ва органларига бориш, маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг шахсий йиғмажидлари билан танишиш;

– суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритувидаги терговга қадар текширув материаллари ва жиноят ишлари билан танишиш;

– Амнистия тўғрисидаги қарорни қўлланиш бўйича терговга қадар текширув материалларини ўрганишда ва кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш;

– Амнистия тўғрисидаги қарор бўйича озод қилинган шахслар билан олиб борилаётган ишлар ҳолатини мониторинг қилиш;


– Амнистия тўғрисидаги қарорнинг ижро этилиши жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш топширилсин.

6. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига вилоят ҳудудий комиссия ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда Амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод қилинган шахсларга, айниқса вояга етмаганларга нисбатан кўрилаётган тарбиявий таъсир чораларининг узлуксизлигини таъминлаш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Эгамбердиевга Амнистия тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотни 3 ой давомида ҳар ойнинг 4-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этиш топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Эгамбердиев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Абдурахмонов